



Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O'zingni angla!

Газетамизга
2008 йил учун
обуна
давом этади.
**Муштарийларимиз
сафида бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-йил dekabr dan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * 2008-йил 3-sentabr, №39 (594) * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://www.hurriyat.uz

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР


— Ёшларга ҳеч қачон беъэтибор бўлмаслик керак. Улардаги лаъқат кейинчалик қобилиятга, истеъдодга айланади. Келажагимиз ворисларини тарбиялаш, имкониятларини тўлиқ намоён қила оладиган соҳага йўналтириш лозим. Шундагина ёшлар етук кадрлар бўлиб етишади.



⇒ 3-бет

ИЙМОН ЛИБОСИ

Ифторлик қиламан деб дабдабали дастурхонлар ёзиш, хилма-хил таомлар тортиш, меъёрни билмаслик исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас. Бундан хулоса шуки, сабр ва лутф ойда юртдошларимиз чинакам қаноат ва саховатпешалик хусусиятларини намоён этишга уринсалар, ўринлидир.



⇒ 7-бет

ҲИНДИСТОНДА БОБУР НОМИ БИЛАН АТАЛУВЧИ ҚИШЛОҚ

Орадан олти ой ўтиб яна Ҳиндистонга бориш насиб этди. Деҳлида андижонлик Хусниддин исмли йигит билан танишиб қолдик. Бу сафар атайлаб бориб, Бобурпул қишлоғидаги ўша кўрсаткичи ҳам суратга олдик. Ҳатто Бобурпул номли поезд бекати ҳам мавжуд экан.



⇒ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бондида Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишланган байрам тантаналари шу йил 31 август куни бўлиб ўтди. Президентимиз Ислам Каримов тантанали байрам маросимида иштирок этиб, халқимизга байрам табригини йўллади.

Истиқлол айёми муносабати билан турли учрашувлар ва шодиёна тадбирлари Ватанимизнинг барча гушаларида давом этмоқда.

Шу йилнинг 1-2 сентябрь кунлари Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин амалий ташир билан юртимизда бўлди. Ташир давомида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини янада кенгайтириш, хусусан, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эришувчи муаммолар муҳокама этилди. Юксак мартабали меҳмонни Президентимиз қабул қилди. Музокаралар якунида икки мамлакатта оид бир қанча ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Президентимиз Ислам Каримов 29 август куни пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан таништи. Жумладан, янги ўқув йилига шай ҳола келтирилган Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Ёшлар ижод саройи, Тошкент ислом университетининг янги биносини кўздан кечирди. Юртбошимиз жаҳон андозлари даражасида тубдан реконструкция қилинган "Пахтакор" марказий стадионини ҳам бориб кўрди.

Жорий йилнинг 27 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Муддатли ҳарбий хизматини белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатип ҳамда Ўзбекистон Республикаси қуроли кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.

Шу йилнинг 28 август куни "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори эълон қилинди.

Мамлакатимизга ташир буюрган Германия Федератив Республикаси федерал мудофаа вазири Франц-Йозеф Юнг раҳбарлигидаги делегация 2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Руслан Мирзаев билан учрашди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида ҳарбий соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга, ўзаро тажриба ва ахборот алмашишни фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Биргаликда янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Мустақиллик корхоналари: "ПОЙТУҒТЕКС"



Мустақиллик байрами арафасида Андижонда яна бир йирик корхона фойдаланишга топширилди. Буюк Британиянинг "Tagus Management Services Limited" компанияси ҳамда "Пойтуғ" очик акциядорлик жамияти акциядорлари ҳамкорлиги маҳсули бўлган "Пойтуғтекс" қўшма корхонаси ишлаб чиқариш қувватига кўра, нафақат Андижон вилоятида, балки рес-

публикамизда ҳам олдинги ўринларда туради. — Бундан уч йил илгари бу ерга келганимизда маънавий жиҳатдан эскирган, қуввати паст корхонани кўрган эдик, — дейди чет эллик инвестор Анилюс Гитас. — Бугун бу ерда замонавий, юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган фабрика пайдо бўлди. Мен буни аввало, Ўзбекистон ҳукумати нинг чет эллик сармоядорларни ҳар томонлама қўллаб-қув-

ватлаётгани ҳамда мамлакатингиз қонунчилиги томонидан яратилган имтиёз ва имкониятлар натижаси деб биламан. Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2006 йил 13 ноябрдаги "2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация

ИМКОНИЯТ

фойдаланишга топширилгач, 400 дан зиёд янги иш ўрни яратилди

қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида"ги қарорлари қўшма корхона ташкил этилишида асосий аҳамият касб этди.

— Лойиҳа қиймати 11 167 минг АҚШ долларини ташкил этган корхонамиз йилига 4200 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди қўшма корхона директори Зокиржон Холмирзаев. — 9149 минг АҚШ долларини миқдоридagi хориж инвестицияси кўмагида Германия, Бельгия ва Хитой Халқ Республикасининг қатор компаниялари томонидан тайёрланган пахта толасини қайта ишловчи энг замонавий жиҳозлар, ускуналар ва дастгоҳлар келтирилиб, ўрнатилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 80 фоизидан кўпроғини чет мамлакатларга экспорт қилишни режалаштирганмииз.

Янги корхона фаолиятини бошлагач, пойтуғлик 400 нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланди.

(Давоми 2-бетда.)

Сирожиiddин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Ватаним

Бобожонимнинг Ватани,
Отажонимнинг Ватани,
Болажонимнинг Ватани.
Кўксимни тоғ қилиб юрдим-ай,
Болталар кесмаган муртим-ай.
Онажонимсан сен ўзинг,
Қошу кўзимсан, юртим-ай.

Ой десам, ойларинг синглимдай,
Кун десам, кунларинг кунглимдай.
Номинени айтсам — олам аро
Тоғ топилмагай кўксимдай.

Бургутлар мисоли учдим-ай,
Осмонларингни қучдим-ай.
Тупроғинга топиндим мен,
Шундадир етти пуштим-ай.

Нур олган сендан Ер юзи,
Уфқларинг — қирмизий.
Ер юзига ҳикмат эккан
Бухорий бобо, Термизий.

Дилдаги меҳр ила шафқатим,
Кўёшли қўрғоним, давлатим.
Сўнмаган гурурим сен ўзинг,
Сен ўзинг шон ила шавқатим.

Бобожонимнинг Ватани,
Отажонимнинг Ватани,
Болажонимнинг Ватани.
Кўксимни тоғ қилиб юрдим-ай,
Болталар кесмаган муртим-ай.
Онажонимсан сен ўзинг,
Қошу кўзимсан, юртим-ай.

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси самолётларида
ҳам тарқатилади.



МУНОСАБАТ

Юрт эҳтироми — улуғ саодат

Эл-юрт ҳурмат-эътиборида бўлиш ҳар бир инсон учун улуғ саодат. Бу саодатга чинакам истеъдоди, сермазмун ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эришганларни халқимиз ҳеч қачон назардан четга қолдирмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан юртимиздаги турли соҳа ходимларини бир гуруҳи юксак Давлат мукофотлари билан тақдирланганлиги жамоатчиликни қувонтирди. Энг қувончлиси шундаки, бу йилги мукофотланганлар орасида шундай заҳматқаш ижоддорлар, олим-фозиллар борки, уларнинг ижоди, серқирра илми нафақат келажак авлодини комилликка етаклайди, балки, асрлар давомида халқимизга маънавий зие бағишлайди.

Биз Давлат мукофоти совриндорларининг айримларини суҳбатга чорладик.

Суйиша ГАНИЕВА, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳибаси, Тошкент давлат шарқшунослик институти мумтоз адабиёт кафедраси профессори:

— Кунни кеча миллий байрамимиз — Истиқлол кунини улкан шодиёналар билан нишонладик. Ўн етти ёш инсон умрида балоғат — етуқлик даврига ўтиш палласи саналади. Истиқлол арафасидаги йилларда 1 сентябрь куни «сиёсий дарс» соати ўрнига "Алишер На-



воий дарси"ни ўтиш жорий қилинган эди. Улуғ шоир руҳига бўлган бундай эҳтиром — ана шу кунни халқимиз миллий байрамга айлантирди, дегим келади.


Истиқлол шарофати туфайли адабиётимизда ҳам янги соҳалар, янги йўналишлар очилди.

Буюк алломалар меросини ўрганиш, мазкур асарларни нашр қилиш маънавий-маърифий бўшлиқни тўлдирди, маълум маънода меросимизни тиклаш, тадқиқ этиш учун кенг имкониятлар яратилди.

2»

ДҮНЁ СИЁСАТИ

Энергияни иқтисод қилмоқчи



Париж шаҳри ҳукумати электр энергиясини иқтисод қилиш максатида Эйфел минорасига берилмаган электр токи миқдорини камайтиришга қарор қилди. Шу йилнинг 22 сентябрдан бошлаб минорани кечаси ёритиш икки бараварга камайдди.

Хабарда айтилишича, шу пайтга қадар Эйфел минораси тунда ҳар соат бошида ўн минут ёрити-

лар ва бу жараён иккидан ўн дақиқа ўтгунча давом этарди. Энди эса ҳар соат бошида беш дақиқа ёритилади. Шундай қилиб энергия сарфи йилига 400 соат эмас, 200 соатни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, келгусида минорани фақат қайта тикланувчи энергия манбалари билан ёритиш режаси ҳам ишлаб чиқилмоқда.

5»

ҚИСМАТ

Айбсиз "айбдор"

ёки мустабид тузумнинг манфур сиёсати туфайли бир умр ноҳақ азоб-уқубатларга дучор бўлган шарқшунос олим Лазиз АЗИЗЗОДА ҳаётдан гамгин ҳикоя

Инсон дунёга бир марта келади. Келадими, фақат ўзига хос, ўзгалар тақдирига ўхшамайдиган "қисмат" шаҳарчасида умр ўтказадими. Ана шу мафҳумотга назар ташлар экансан, унинг шакли ниҳоятда беўхшов ва бетакрор эканлигига ҳайрон қоласан киши. Табиатан эркин бўлган шахс исми хунук мафҳумлар, номи хунук тоифалар томонидан қандай жўғрофий оғир шароитда яшашга дучор қилинганга ажаблана-сан, айрим ҳолатларни юрагинга сиздирди олмайсан. Аммо тафаккур чархида айлана-айлана ундан керакли сабоқлар олсан. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон ҳаёти ҳам фақат ўзигагина хос "қисмат" шаҳарчасида яшатирилди. Аммо у чекиммади, совмади... чунки у темир интизом ва ниҳоятда катта ички эркинликка эга эди.

Атоқли шарқшунос олим Лазиз Азиззода ўзбек жадид зиёлилари орасида узок яшаб, миллий ҳаётнинг бошида мустақиллашчилар ўтказган барча синов ва тажрибаларнинг жонли гувоҳи бўлиб, осуда ҳаёт лаззатини татиётган кишидир. У билан вафотидан икки ой муқаддам ҳозирги "Шарқ" нашриётининг эски биносида учрашганимизда, "Ёшим юздан ошди, йўқотган ҳар бир нарсамни Аллоҳ қайтариб берди" деган эдилар.

Лазиз Азиззода 1889 йилда Тошкент шаҳрида китоб муқовасини ясов-

чи саҳоф — муқовасоз оиласида дунёга келди. Отаси катта ер эгаларидан ерни ижарага олиб, деҳқончилик билан шугулланар, бундан вақтларидоғина муқовасозлик қилар эди. У 1922 йилда таржиман холи ҳақида қуйидагича қисқа маълумот беради: "Маълумотин олий, мадрасани тугатганман, онам — Карима 59 ёшда, укам — Талъат 14 ёшда, рафиқам — Раҳима 29 ёшда, қизим Тўмарис 5 ёшда, касбим ёзувчи. 1917 йилгача ўқидим, 1917 йилдан то 1920 йилгача эски ва янги шахар большевиклар фирка кўмитетида, 1920-1922 йилларда Бухорода ва Тошкентда шўро, фирка ва адабий ишларини бажардим. 1922 йил 23 июндан 1923 йил 31 январгача ҳибсда, 1923 йилдан то 1924 йилгача Масковдаги Шарқ халқлари нашриётинида, 1924 йилдан 1926 йилгача Тошкентда яшаб, Ўзбекистон халқ маориф комиссарлиги қошидаги "Академмарказ"да илмий ходим бўлиб ишладим. 1926 йил 22 декабрдан Масковда Шарқ Мехнат-кашлари кўмунистик университетинида дарс беришман".

Лазиз Азиззодининг дунёкараши мадрасада ўқиб юрган кезларда шаклланди. 1949 йил 4 мартда ўтказилган сўроқда: "Мадрасада таҳсил олар эканман, мадраса дарс рўйхатида қирмаган адабиётларни кўп мутолаа қилдим.

4»

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Бугуннинг нафаси

■ Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида Наманган вилоятининг барча шаҳар ва туман марказларида анъанавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилди.

■ Бухоро вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони биттага кўпайди. Қиймати 360 минг АҚШ долларига тенг лойиҳа асосида «Когон шифер» масъулияти чекланган жамияти ишга туширилди.

■ Энг азиз ва энг улуг айём, арафасида Навоий аэропортига «Korean Air» авиакомпаниясининг биринчи юк самолёти келиб кўнди. Ушбу компания Жанубий Кореянинг ҳаво транспортида юк ташиш соҳасида етакчи ўринни эгаллайдиган йирик «Xanjin group» холдинги таркибига кирди. Навоий аэропорти базасида ўзбекистонлик ҳамкорлар билан биргаликда халқаро логистика маркази барпо этилади.

■ Истиклол шукҳи кезиб юрган шу кунларда Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида 48 ёш оилга янги уйнинг қалитлари топширилди.

■ Фарғона вилоят ўлкашунослик музейида «Юртимиз жаҳоҳирлари» деб номланган кўргазма очилди. Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилган кўргазмада таниқли рассомларнинг энг сара асарлари намойиш этилди.

■ Термиз шаҳрида «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» шиори остида спорт марафони бўлиб ўтди. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган икки мингга яқин спортсеварлар иштирок этди.

■ Жиззах шаҳрида мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида анъанавий «Қичкинтой-Ширинтой» мусобақаси бўлиб ўтди. Спортнинг бадий гимнастика ва энгил атлетика турлари бўйича ўтказилган мусобақалар қизгин тус олди. Яқуний ҳисобда биринчи ўринни Дўстлик туманидаги «Чарос» болалар боғчаси тарбияланувчилари эгаллади. Кейинги ўринларга Жиззах туманидаги «Озода», Жиззах шаҳридаги «Хумо» боғчаси болалари муносиб топилди.

■ Фарғона шаҳрида ўсмир ва қизлар ўртасида Халқаро теннис федерацияси (ITF) таҳдимида қиритилган анъанавий «Fergana Cup» халқаро турнири бошланди. «Истиклол» теннис кортида ўтаётган ушбу нуфузли мусобақада Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Япония каби давлатлардан келган ёш теннисчилар кортга тушади.

Нагима АЛИЕВА тайёрлади.

Юрт эҳтироми — улуг саодат

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Алишер Навоийнинг бунёдкорлик фаолияти ўз давридаёқ юракларда ҳайрат ва сурур уйғотган эди. Бу соҳада диёримизнинг барча худудларида жуда кўп ишлар амалга оширилди. Орифлар қабрлари мақбараларга айлантирилиб, атрофларида боғ ва гулзорлар барпо этилди. Юртимизда ўзгача кўрк бағишлаб турган янги иморатлар, бинолар, ўқув масканларини кўриб дилингиз яйрайди.

Фақат пойтахт Тошкент эмас, вилоятларда шаҳарларимизнинг қиёфаси гоё кўркаллашди. Илим-фан соҳасида оламни лол қолдирган аждодларимизнинг таваллуд кунлари тантанали нишонланди, асарлари нашр этилди. Бу шубҳасиз, мустақиллик тўғрисида.

Энди ҳаётимдаги унутилмас шодиёнага келсам, мен Навоийдан узоқ кета олмаман. Алишер Навоийнинг «Мақтулар мажмуаси» асарига асраб олган ўғлига ёзган мактуби бор. Шоири уни бугун оталик меҳри билан тарбия қилади. Лекин ўғли ёмон йўлга кириб, нолойиқ ишлар қилади. Навоий унга танбех бера туриб, сени ҳар қандай жазога маҳкум этишим мумкин эди, лекин шундай қилмадим. Сен эл-юрт эътиборидан, улуглар назаридан четда қолдинг. Бу олий жазо...» дейди. Шоириимиз кўюниб айтган бу сўзларида бир олам маъно бор.

«Буюк хизматлари учун» орденига мушарраф бўлдим. Бундай катта эътибор учун Юртбошимизга катта раҳмат. Бу мукофот ҳеч шубҳасиз, ҳамкасбларим, Тошкент давлат шарқшунослик институти, мумтоз адабиёти кафедраси илмий жамоатчилиги илхосмандларига ҳам тегишли деб биламан. Зероки, Шарқнинг бир буюк шоири айтганидек, «Бу бўстонда бирор бир мақсад гулини дўстларнинг маддасиз тегири бўлмайди». Алишер Навоий эса: «Ҳаёт боғи тоза ва ул боғда мурод гул-чечаклари беанзода бўлмайди», дейди.

Ғулом МИРЗАЕВ, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» унвони соҳиб, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири:

— Бу унвон аввало Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси меҳнатига берилган улкан мукофот деб биламан. Бу ҳам мустақиллик самараси. Чунки, Истиклол йилларида одамлар шуурида, тафаккурида Миллат, Халқ, Ватан, Мустақиллик, Истиклол, Истикбол каби буюк тушунчаларнинг туб моҳияти сингиб бораётганлигининг ўзи Ватанимизнинг тараққиёт йилларидаги самарасини кўрсатаёттир.

Айниқса, матбуот соҳасида бундай юксак эътибор ва гамхўрлик албатта, ижобий натижаларини бермоқда. Буни аввало, истиклол йилларида оммавий ахборот воситалари ва журналистлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилганлиги мисолида кўриш мумкин. Натижада журналистлар тузумга ҳос — «цензура» иллатлардан халос бўлди. Энди воқеаликни ҳолис, ҳаққоний ва тезкор ёритиш учун қулай имкониятлар туғилди. Оммавий ахборот воситаларининг турлари кенгайиб, давлат органларининг етакчи газеталари қаторида «Хуррият», «Мохият» каби мустақил газеталар ҳам ўз муҳлисларини топишга улгурганлиги юқоридаги фикримизни исботлайди.

Мен 1993 йилда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида иш бошлаганимда, бу ташкилот мамлакатимизда ягона ҳисобланарди. Кейинчалик ахборот агентликларининг сони кўпайди. «Жаҳон», «Туркистон-пресс» нодавлат агент-

ликлари ташкил этилди. Бугунги кунда уларнинг сафи ИНТЕРНЕТ ахборот агентликлари билан кенгайиб бораётганлиги қувонарлидир. Худди шундай ривожланишни телерадиоканаллар, журналлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Энг муҳими, мустақиллик йилларида Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари нашр, сон, шакл жиҳатидангина эмас, мазмунан ҳам бойиб бормоқда. Бу албатта, ўз самарасини бермасдан қолмайди.

Турсунали УРМОНОВ, «Дўстлик» ордени соҳиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси, шoir:

— Истиклол туғайли одамлар тафаккурида умуминсоний қадриятлар уйғунлигида мустақиллик мафқураси ҳам шаклланди. Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган миллий анъаналари, урф-одатлари, тили, қадриятлари қайта тикланди. Энг муҳими, мафқуравий эркинлик халққа қайтди. Хуррият боис, буюк алломаларимиз Аҳмад Ясавий, Жалолиддин Румий, Имом Термизий, Алишер Навоий, Имом Бухорий каби улуг зотларнинг маънавий меросини ўрганиш учун имкониятлар яратилди. Айниқса, истиклол ижодкорлар учун улуг неъмат — Сўз эркинлигини ҳаёда эди. Энди ижодда вазн, шакл эркинлигини ҳеч ким чекламайди. Рухий таҳлилга кенг йўл очилди.

Баъзан ижодий давраларда кўпчилик «Ватан мавзусидаги шеър ёзган ижодкорлар тезроқ халққа танилади, мукофот олишади. Нега сиз Ватан ҳақида кўпроқ шеър ёзмайсиз?» деган саволни беришади. Ватан тушунчаси биз ўйлагандан ҳам кенгрок, теранрок, улканрок, Менимча, Ватан ҳақида шунчаки шеър ёзиб, шунчаки куйлаб бўлмайди. Ҳатто Пайғамбаримиз ҳам даҳр, яъни замондан шикоят қилишни, уни сўкиш, койишни қоралаганлар ва шундай деганлар: «Аллоҳ Таоло одам боласи даҳрини сўкмайди, даҳр эса мен эрурман, тун ҳам кундуз ҳам менинг жонимдадир». Демак, даҳр замона Аллоҳнинг мулки, уни сўкиш гуноҳдир. Ватанин севмоқ эса иймондандир.

Ватанимизнинг Энг улуг ва энг азиз байрами муносабати билан «Дўстлик» ордени билан тақдирланганлигим мени беҳад қувонтирди. Ҳаммага Ватан хизматида, халқнинг назарида бўлиш бахти ёр бўлсин.

Ислом СУЛТОНОВ, «Шухрат» медали соҳиб, «Хуррият» газетаси бўлим мудир:

— Истиклол йилларида оммавий ахборот воситаларига эркинлик яратиб берилганлигининг ўзи диққатга сазовордир. Шу боис истиклол руҳи таъсирида янгича фикрлашнинг шаклланиши туғайли маънавий меросимизни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш учун кенг имконият юзага келди. Матбуот ва сўз эркинлиги бебаҳо неъматга айланди. Мустақиллик гоёсини, миллий қадриятларимизни, маданий меросимизни, тарих сабоқларини ва бугунги замон шукҳини юртдошларимиз онгига, тафаккурига синдиришда ҳамкасбларимизнинг ҳиссаси беқиёс деб ўйлайман. Менга берилган мукофот эса, газетамиз жамоасига бўлган юксак эътибор туғайли деб биламан.

Дарҳақиқат, МИЛЛАТ, ВАТАН, ХАЛҚ деган туйғулар нақадар улуг ва буюк сўздир. Буни биз суҳбат жараёнида шукроналик, гурур ва ифтихор, самимийлик дил изҳорларидан яна бир бор англагандек бўлдик.

Адиба УМИРОВА, «Хуррият» муҳбири.



17 YIL

Муборак туман ҳокимлиги

мамлакатимиз

халқини буюк шодиёна —

Ватанимиз

мустақиллигининг 17 йиллик

байрами билан чин юракдан

табриклайди.

Барчага бахт-саодат ва

сиҳат-саломатлик ёр бўлсин.

Мўътабар она диёримиз

гуллаб-яшнайверсин.

ТАЪЛИМ

Мактабнинг ёш ҳарбийлари

Ҳар қандай жамият ўз келажагини жисмонан соғлом ва маънавийи баланд ёшларига ишонади. Юртимизда ёш авлодининг ҳар томонлама етук бўлиб камол топиши учун эса етарлича шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу йил пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 58-мактабнинг ҳарбий спорт йўналишига ихтисослаштирилганлигини ҳам шундай имкониятлар сирасига киритиш мумкин. Юқори савиядаги дарс ва машғулотлар илм даргоҳидаги таълим самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этиб келмоқда. Бу ерда таҳсил олиш истагидаги 4—9-синф ўқувчилари орасида белгиланган бир неча мезонлар асосида имтиҳонлар ўтказилиб, энг иқтидорли болалар танлаб олинади.

— Яқинда мактабимиз «Алфа-тренинг» шўба корхонаси ҳомийлигида тўлиқ таъмирдан чиқарилган ўзгача қиёфа касб этди, — дейди мактаб директори Нигора Умарова, — Биз тарбиялаётган ҳар бир бола келажақда юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етиши учун бу масканда барча имкониятлар яратилган. Шунинг учун мактабимиздаги бугунги ёш ҳарбийлар эртага ватан ҳимоячилари бўлиб вояга етишларига шубҳам йўқ.

Янги ўқув йилида эса 1180 нафар эртанги кун эгалари бўлган юрт фарзандлари мактабда таълим ва тарбия олиш имконига эга бўлишди.

Одилжон КАРИМОВ

Мустақиллик корхоналари: «ПОЙТУҒТЕКС»

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Дастгоҳлар билан тез «тил топишиб» кетдик, — дейди калачавчи Мухтарам Бердибекова. —

Дугоналарим билан уларни осон бошқармоқдамиз.

Дарҳақиқат, фабрика ишчиларининг аксариятини Мухтарам



каби ёшлар ташкил қилади. Бу ёшлар йилида яратилган яна бир қулайлик ифодаси, бу борада Давлат дастурининг амалий натижасидир.

ҳасиз, республикамизнинг иқтисодий қувватини оширишга сезиларли ҳисса қўшади.

Акбар АБДИМУРОД

Кунни кеча фаолиятини бошлаган ушбу қўшма корхона, шуб-

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

ТАДБИР

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 243-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси ҳамда янги ўқув йилига тайёрлик ишларига бағишланган "Таълим самарадорлиги — келажак пойдевори" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Таълимга эътибор — келажакка пойдевор

Тадбир аввалида оммавий ахборот воситалари ходимлари, Тошкент шаҳри мактабларидан келган ўқитувчи-педагоглар гуруҳларга бўлинган ҳолда, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган синфхоналарда ўқитишнинг энг янги усуллари билан танишди-лар, мутахассисларнинг "Синф раҳбари фаолиятининг самарадорлигини ошириш омиллари", "Кимё дарсларида электрон дарсликлардан фойдаланишнинг афзалликлари" ҳамда Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" номи асарини ўқув фанлари мазмунига тадбиқ этиш йўллари борасидаги, бир қатор маърузаларини тингладилар.

— Энди бўр билан досканинг вақти ўтди дейди, — 243-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Дилфуза Тошпўлатова. — Янги таълим тизимида ўқитувчи керак бўлса ўқувчи даражасига тушади, электрон дарсликда ифодаланган савол-жавобларга биргалликда жавоб топади. Ўқувчиларнинг ўзларини эмин-эркин ҳис қилишлари учун имконият яратиб беради. Албатта, дарс самарадорлигини ошириш учун бошқача усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, мен одатда дарс жараёнида "аклий ҳужум" методидан фойдаланаман. Бунинг моҳияти шундаки, дарс бошида ўтилажак мавзу юзасидан ўқувчиларга саволлар берилди.

Тўғри, улар бунга аниқ жавоб бера олмасликлари табиий. Аммо қандайдир фикр айтадилар-ку. Бу фикрлардан уларнинг дунёқарашларини текшириб олам. Кейин ўша саволга ўзим тушунарли қилиб жавоб берсам, бу улар онгида муҳрлиниб қолади.

Шундан кейин Халқ таълими вазири Ғайрат Шоумаров, Тошкент шаҳар ва туманлари халқ таълими бўлими мудирилари, мактаб директорлари ва ўқитувчилар, ОАВ ходимлари иштирокида матбуот анжумани бошланди. Тадбирда сўз олган Халқ таълими вазири жумладан куйидагиларни таъкидлаб ўтди:

— Ёшларга ҳеч қачон бек-эътибор бўлмаслик керак. Улардаги лаёқат кейинчалик қобилиятга, истеъдодга айланади. Келажакимиз ворисларини тарбиялаш, имкониятларини тўлиқ намоён қила оладиган соҳага йўналтириш лозим. Шундагина ёшлар етук кадрлар бўлиб етишади. Бугунги кунда республикамиздаги 9765 та умумтаълим мактабларида 5390490 ўқувчи таълим олмақда. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, мамлакатимизнинг турли чеккаларида қад ростлаган коллежлар худди ҳашаматли саройга ўхшайди. Энди мактаблар ҳам шундай кўриниш олмақда. Бу ҳам 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури мамлакатимиз таълим тизimini модернизациялаш,



СУРАТДА: пойтахтимиздаги 21-мактабда биринчи кўнги-роқ чалинмоқда.

Майсара НАЗАРОВА олган сурат.

соҳа ходимлари учун замонавий шарт-шароитлар яратиш, таълим-тарбия мазмуни ва сифатини такомиллаштириш борасида мисли кўрилмаган, дунё тан олиб, қойил қолаётган қадам бўлаётганидан бир далолат. Статистикага назар ташлайдиган бўлсак, 2004-2007 йилларда жами 4669 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2008 йилда ҳам бу суръат заррача бўлсин сусайгани йўқ. Бугун биз муболагасиз ва мамнуният билан айтишимиз мумкинки, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури том маънода умумхалқ ҳаракати-га айланиб кетди. Умумтаълим мактаблари замонавий мебель, ўқув-лаборатория

асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжуманлари билан тўлиқ жиҳозланмоқда. Ўқувчиларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминланиши 2004 йилдан 2008 йилгача 15% га ўсди. Тизимда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўлароқ, 2004-2007 йилларда мактаб ўқувчилари Халқаро фан олимпиадаларида жами 27 та медаллар шодасини кўлга киритди.

Албатта, соҳада муаммолар ҳам етарли, аммо асосийси, уларни бартараф этиш чораларини топишдир.

Тадбир қизиқарли савол-жавобларга, баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Иномжон АБДИЕВ

ЭЪТИРОФ

Юрт остонадан бошланади

ёки ўн минг кишилик ягона оила ҳақида

Одамлар орасида "Мамлакатнинг маҳалласига гап йўқ!" деган гап бежиз айтилмаган.

Мамлакат — Фарғона шаҳрининг Абдулла Қодирий номи билан аталувчи энг йирик 37-сонли маҳалла фуқаролари йиғини раиси Мамлакат Каримова, деганимиз. Катта-кичик йиғинларда юқоридаги иборанинг фахр билан тилга олинишиёқ йиғиннинг яхши фаолият юритаётганлигидан шаҳодат беради.

Ўтган асрнинг 80-йилларида бунёд этилган 30 дан ортиқ кўп қаватли турар-жой биноларидан иборат бу маҳалланинг ўзига хос тавсифи бор. Ўзбек, тожик, рус, қирғиз, корейс ва бошқа миллатларга мансуб кишилардан иборат ушбу байналмилал худудда ўн мингдан зиёд аҳоли яшайди. Илгари шаҳар четроғида жойлашгани учунми, бу ерда ҳар хил қонунбузарлик ва ноҳушлик ҳоллари рўй бериб турарди.

Маълумки, маҳалланинг ободлиги ва обрў-эътибори уни бошқариб турувчиларга, яъни йиғин раиси ҳамда унинг маслаҳатчиларига, кўпни кўрган кексалару ташаббускор ёшларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Қайси хонадонда қандай кайфият ҳукм суриб турибди, кишиларнинг ташвишу қувончлари, фарзандларнинг турмуш тарзи ва иқболи, эртанги кун нима билан боғлиқ кечади — шу каби масалалар маҳалла раҳбарлигига аён бўлсагина, йиғин иши ривожланади. Кўпдан кўен қочиб қутулмас, дейдилар. Маҳалла бундай пайтларда ягона оилага айланади, ҳеч ким четга чиқиб қолмайди.

Яширишининг ҳолати йўқ. Ҳануз номигагина фаолият юритаётган, ўз худудида қанча ердამга муҳтож кишилар яшайди, ёшлар ёхуд балоғатга етмаган ўсмирлар нима билан банд — шу каби муҳим жиҳатлардан беҳабар фуқаролар йиғинлари ҳам йўқ эмас. Лекин "Абдулла Қодирий" маҳалласида бундай эмас. Йиғин раиси атроғида ўн икки нафар маслаҳатчи фаол иш олиб боришади. Хотин-қизлар, ногиронлар, ёшлар, ободонлаштириш, тўй ва бошқа маросимларга, оила ва меҳнат билан бандлик каби масалаларни қамраб олган режаларни амал-

га оширишади. Уларга маҳалланинг фаол фуқаролари, фахрий кексалар ва бевосита ёшлар ичидан саралаб олинган жамоатчи назоратчилар яқиндан кўмак кўрсатишади.

Масалан, дейлик, жамоатчи маслаҳатчи Рустам Дехқонбоев миллий удумларимизга боғлиқ

қишлими, ҳаттоки китобхонлик ва даврий нашрларга обуна уюштириш масалалари ҳам йиғин раиси-ю унинг маслаҳатчилари диққат-эътиборида туради.

...Яқинда бир хонадонда бахтсиз ҳодиса юз берди. Ёш боланинг айби билан уйга ўт кетиб, бир зумда ҳаммаёқ ёниб битган. Хайрият, ўт ўчирувчилар болани кутқазиб қолишти, лекин у оғир тан жароҳати олганди. Бир ҳафта давомида шифокорлар боланинг ҳаёти учун кураш олиб бориб, уни сақлаб қолишти. Ишонсангиз, бир ҳафта давомида бутун маҳалла аҳли оёққа турди, одамлар болани навбатма-навбат йўқлаб ту-



муаммолар билан шугулланса, Александр Тўхтаев оила ва мактаб алоқаси-ю спорт ва ўсмирлар тарбияси масаласида иш олиб боради. Гулмира Камолова ва Насибхон Парпиевалар никоҳ, оила маданияти бўйича, Дилбархон Турсунова ва Алихайдар Абубакировлар коммунал тўловлар масаласида изчил фаолият юритади.

Маҳалла йиғини вилоятдаги барча ташкилотлар билан муштакам алоқа ўрнатган. Ишга жойлаштириш ёки санаторийларга йўланмалар олиб беришми, ногиронлар ва касалманд фуқароларга яқиндан кўмак кўрсатишми, тўй ва бошқа маросимларга бош-қош бўлишми, ўсмирларни касб-ҳунар коллежларига жалб

риши. Шу билан бирга одамлар пул тўплаб, хонадонга амалий ердამ кўрсатди.

Бу ерда ўтказиладиган тадбирми ёки маҳалла ҳаёти билан боғлиқ бирор бир масала бўйича йиғилишми — ҳаммасида кишиларнинг бир ёқдан бош қариб иштирок этишларини, маҳалла аҳлининг ягона оила аъзоларидек бир-бирлари билан аҳил-инқилибини, бир-бирларига меҳрибон ва ғамхўр эканликларини кўриб, беихтиёр қувонсан, ҳаяжонга тушсан. Бир бутун юрт бошланган остонадаги бу ҳамжихатлик мамлакатимизнинг истиқболи мунаварлигига чукчур ишонч ҳосил қилсан, киши.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Хуррият" мухбири. ®

Чироқчи туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси

эркин ва фаровон келажакимизнинг гарови бўлмиш — Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами билан барча юртдошларимизни табриклайди.

Сизларга ва оила аъзоларингизга тинчлик-тотувлик, сиҳат-саломатлик, ишингизда омад тилайди.





**АМУ—ҚАШҚАДАРЁ ИРРИГАЦИЯ
ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ
ҚОШИДАГИ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ,
ЭНЕРГЕТИКА ВА АЛОҚА БОШҚАРМАСИ
ЖАМОАСИ**

*азиз ватандошларимизни, юртимиз
техноларини намлакатимиз
мустақиллигининг 17 йиллиги байрами
билан тин қалбдан қўтлайди.*

Озод Ва ҳур диёримиз раВнақ
топаВерсин, осмонимиз мусасфоро,
юртимиз тин бўлсин.

**Қарши банк
КОЛЛЕЖИ
ЖАМОАСИ**

Мустақиллигимизнинг
17 йиллиги билан
юртдошларимизни
самимий қўтлайди.
Кундан-кунга чирой
очиб бораётган Ўзбе-
кистонимизнинг рав-
нақи йўлидаги эзгу
ишлар, яратувчанлик
салоҳияти ҳар бири-
мизга ёр бўлсин.
Ёш авлод камолоти
йўлида хизмат
қилаётган барча
ҳамкасбларимизга
омадлар тилаймиз.



ЭЪТИБОРГА МОЛИК

Хайрли иш

Тарихни билмаслик инсонни манқуртга айлантиради.

— Ҳар бир киши қишлоғидаги ҳар бир кўчаю ариқнинг бўлсин тарихини билиши керак, — дейди учкўприклик отахон Турдимухаммад Маҳкамов. — Бу инсонни яхши ишлар қилишга, хуллас калом, яхши инсон бўлишга ундайди.

Дарҳақиқат, 72 ёшга кирган отахонни нуқул турли хайрли тадбирлар бошида кўрасиз. Маҳалласига газ ва сув қувурлари ётқизилишига бош-қош бўлган эди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Бекобод қишлоқ клуби барпо қилинган ҳамда қишлоқ музейи ташкил этилган. Мана энди Бекобод қишлоғи тарихи ҳақида рисола ёзиб, чоп эттирди.

Мустақиллик шарофати билан қидимий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, диний эътиқодимиз қайтадан тикланди. Тарихимизни чуқур ва пухта ўрганишга шароит яратилди. Мен китобда қишлоғимизнинг минг йиллик тарихи билан бирга бугунги дорил-амон кунлари ҳақида ёздим, — дейди отахон.

Дарҳақиқат, Турдимухаммад Маҳкамов китобида Бекободнинг бугунги кунларига хизмат қилаётганлар, истиқлол берган имкониятлар, бугунги асрга татигулик кунлар тўғрисида ҳам ҳикоя қилади.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихини билган, бугунини эъзозлаган элнинг келажаги ҳам буюк бўлади.

Анвар АЪЗАМОВ

**“Сурхондарё телеком”
корхонаси
ЖАМОАСИ**

*Сизларни
Мустақиллигимизнинг
қўтлуғ 17 йиллик
тўйи билан табриклайди.*

Истиқлолимиз абадий бўлсин!

Барча ватандошларимизга бахт-саодат, омад ва ишларида муваффақиятлар ҳамроҳ бўлсин.



Умрнинг ҳар лаҳзаси бахт



Авал рангин дунё деган тушунча рост эди... Оқ, кўк, қора, яшил, қизил... Олам турфа тусда жиллоланарди. Ҳар бир гийҳ, ҳар бир майсанинг-да ўз либоси бор эди. Юдузлар орзулар каби беҳисоб, юрак каби қип-қизил эди. Ҳаёт оппоқ, ҳа, аниқ биламан, оппоқ эди. Аммо, кейин... Кейин фақат қора, қоп-қора ранг қолди, бошқаси абас!

Дилдора Оқбўтаева Самарқанддаги 59-кўзи ожизлар мактаб-интернатида илк бор китоб ҳақида тасаввурга эга бўла бошлаган бўлса, устози Бахрулло Бердиев шеър, шеърят борасидаги ҳайрат тўла дунёқарашининг шаклланишига кўмак берган.

— Зулфия, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиеваларнинг назми менинг руҳиятимга ҳамоҳангдек. Бу ижодкорларнинг китобларини ўқиш дунёларга сиймайидиган даражада завқ беради. Яна Сирожиддин Саййиднинг шеърларини мутолаа қилавериш, бу шоирнинг тўпламлари сирдошим, қалбдошимдай бўлиб қолган. Аммо у кишининг ўзи билан ҳамсухбат бўлмаганман. Уларнинг суҳбатини олиш менинг энг катта орзуларимдан бири, десам ажабланманг, — дейди Дилдора самимий жилмайиб.

Унинг кулгилари виқорли тоғлар бағрида қийқириб оқаётган ўйноқи шаршаранинг овозига ўхшайди. Фикрлари тиник, қалб кўзи кўллarga ўрнак бўлар даражада равшан.

— Яхшиларнинг меҳрини ҳис қилиб турган ҳеч бир инсон, айниқса, ижодкорнинг тушқунликка тобе бўлишга ҳаққи йўқ. Базми дугоналарим тақдирдан нолиб, яқинларини айбдор ҳисоблайди. Мен эса онажонимга раҳмат, дейман. Ахир, кўзи очигу аммо оламни тўла англаб ета олмаётганлар қанча. Ақлим бутунлиги, яхшими, ёмонми, қаламим борлигига шукр қиламан.

Метин иродали бу қиз ўз билимларининг натижаси ўлароқ бўй йил Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетига ўқишга қабул

қилинибди.

— Китоб — борлиқни англашувчи шам-чирок. Бадиий адабиётни чуқур ўрганиш, хусусан жаҳон дурдоналарини мутолаа қилиш менинг биринчи галдаги мақсадим. Аммо биз ўқий оладиган китоблар, яъни брайл ёзувидаги асарлар жуда кам. Машраб девонини, Нодирабегим, Увайсийларнинг ғазалларини ўқишни жуда хоҳлардим. Яқинда радио орқали шоира Фарида Афрўзнинг шеърларини тингладим. Аммо ўзим ўқиганим йўқ. Кўплаб асарлар ҳақида эшитаману, уларни топа олмаيمان, — дейди у ўқинч билан.

Қизиқ, ёшларнинг китоб мутолаасидаги бефарқликлари ҳақида турли хил фикрлар илгари сурилатган айни пайтда Дилдорадай қизларнинг адабиётларини излаб юргани муаммолар сирасига кирса керак...

Илмга ташна, изланаётган, лекин ҳали шоирликка тўла даъво қилмаётган еш ижодкорнинг қуйидаги мисраларини ўқиб, унинг кимларгадир иродадан сабоқ бериши мумкинлигига тақрор ишонч ҳосил қиласан, киши:

*Тунлар ойга сирим сўйлайман,
Шодланаман эртан ўйласам.
Бахт ҳақида ёниб қуйласам,
Мени кутар бахтли келажак.*

Ҳа, бахтни ҳар ким ҳар хил талқин қилади, аммо ўтаётган умримизнинг ҳар лаҳзасидан-да бахт топмоқ мумкин.

Ситора ТОҶИДДИНОВА,
“Хуррият” муҳбири.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Ёш тадбиркорлар танлов ғолиби

△ авлат иқтисодийтида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг салмоғи катта. Шу боис эса мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мазкур соҳага алоҳида эътибор берилиб, яқна тартибда ва оилавий бизнес, касаначилик билан шуғулланаётган ҳамюртларимизни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш ҳамда уларни рағбатлантиришга ихтисослашган “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки ташкил этилган эди.

Мазкур молиявий муассаса мамлакатимиз ҳаётида моддий фаровонликни яратиш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида аҳолининг барча қатламлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Буни ўтказилаётган турли кўрик-танловлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Қолаверса, “Ёшлар йили”да келажакимиз эгаларининг эртанги ҳаётида уларларнинг топшида яқиндан кўмак бериш ва имкониятлар яратиш учун банк бир қатор ташки-

лотлар ва ўқув юртлари билан ҳамкорликда жорий йилда 335 нафар коллеж битирувчиларига 454 млн.сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратди. Шунингдек, ўтган етти ой мобайнида ёшларга жами 7,4 млрд.сўм кредит берилиб, шундан 4,6 млрд.сўми тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшларга йўналтирилди, қолган 3,7 млрд.сўми эса истеъмол кредити сифатида берилди.

“Микрокредитбанк” яқинда “Ёш тадбиркор томонидан тақдим этил-

ган энг яхши лойиҳа” кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказди. Ушбу тадбир “Ёшлар йили” муносабати билан амалга оширилиб, мақсад-моҳияти ёш тадбиркорларга қишлоқ жойларида ҳам имконият ярати бериш ва тадбиркорликни кенгайтириш, берилаётган микрокредитлар ва микролизинг хизматлари самарадорлигини янада оширишга қаратилган. Танлов давомида туман ва вилоятлардан жами 385 нафар ёш ишбилармон қатнашган бўлсада, унинг якуний босқичида фақат барча вилоятларнинг ғолиблари иштирок этди. Ўзларининг лойиҳалари билан қатнашган кўпбалар ёшлар орасидан қашқадарэлик Хасан Муродовнинг лойиҳаси энг яхши деб топилди. Иккинчи ўрин



МикроКРЕДИТБАНК

Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқул туманидан келган Райҳон Сабуровага насиб этган бўлса, учинчи ўринни самарқандлик ёш тадбиркор Феруза Сафарова қўлга киритди. Шунингдек, танловнинг якуний босқичида “Энг чекка қишлоқлик тадбиркор”, “Энг ёш тадбиркор аёл” ва “Миллий ҳунармандчилик йўналишидаги энг яхши лойиҳа” номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Танлов сунггида ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дилобар ШОКИРОВА ®

Ер юзининг жамики мусулмон дунёси учун лутф ва қарам, саховат ва поклик ойи — моҳи Рамазон кириб келди. Пайгамбаримиз Расулulloҳ (с.а.в.)дан қолган Ҳадиси қудсийда ёзилишича, “Ҳар бир яхшилик ўндан етти юзгача баробар бўлади. Илло рўза бундан истисно. Чунки у Аллоҳ учундир ва муқофотини ҳам ўзи беради.”

ИЙМОН ЛИБОСИ

Кундузлари емоқ-ичмоқ ва бошқа машрўу муносабатлардан тийишлиш орқали сабр-қаноатли бўлиш, нафс ва кибрни ўлдириш — Аллоҳнинг душмани шайтонга қарши куч ишлатишдир. Кибр ва нафс ейиш-ичиш, тана майллариға тинмай бўйсунтишдан

ойнинг аввалини кузатишда хушёр турмоқ, ҳар тунда эртанги кун рўзаси учун қатъий ният қилмоқ, учинчи ўн кунликда кадр тунини кутмоқ лозим. Одамларнинг қулоқ, кўз, тил, оёқ ва бошқа аъзоларини гуноҳлардан тийишлари рўзанинг ботиний шартлари ҳисобланади. Уларсиз амал қилинган рўза қабул

(с.а.в.) — агар бирор киши у билан уришса, сўкишса, мен рўзадорман, десин”.


Рўза одобларидан яна бири кундузи ўйқуни кўпайтирмаслиқдир. То очлик ва чанқоқликни рўзадор сезсин, қуввати заифлигини ҳис этсин. Шунда унинг руҳига сабр-қаноат, шукроналик ҳислатлари янгитдан инди. Қалби мусаффолашади.

— Аммо саломатлиги рўзадорликни кўтаролмайдиган беморлар, ҳомилдор ва эмизикли гўдақлари бор аёллар рўзани кейинчалик албатта, ўташни ният қилдилар, чунки уни ўташ ҳар бир мусулмон учун фарз. Ниҳоятда кексайган қариялар ва бошқа сабаблар билан рўза амалларини бажаролмаганлар фидя беришлари мумкин. Фидя ҳар бир кун учун бир муҳтож кимсага икки килога яқин буғдойдан иборат садақадир, — дейди Н.Хасанов.

Ким бу ойда рўзадорларга ифторлик қилиб берса, унинг ажр-савоблари катта бўлади, гуноҳлари авф этилади, — деб айтганлар Пайгамбаримиз. Шунда саҳобалари: — Эй, Аллоҳнинг Расули, биз ҳар биримиз рўзадорларга ифторлик қилиб берадиган аҳволда эмасмиз-ку? — деб сўрашибди. — Аллоҳ бу савобни бир рўзадорга бир ютум сўт, бир қултум сув, бир хурмо билан ифтор қилдирганга ҳам беради, — деб жавоб берган эканлар.

Ифторлик қилман деб дабдабали дастурхонлар ёзиш, хилма-хил таомлар тортиш, меъерни билмаслик исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас. Бундан хулоса шуки, сабр ва лутф ойда юртдошларимиз чинакам қаноат ва саховат-пешалик хусусиятларини намоен этишга уринсалар, ўринлидир.

Мамлакат НОРМУРОДОВА



қувватланади. Шу боис Расулulloҳ (с.а.в.) ўқирганлар: “Албатта, шайтон одам боласининг қон йўлларида юради. Унинг йўллари очлик билан тораптириш”. Ана шу жиҳатдан олганда, имом Ғаззалининг таъбирлари билан айтсак, “Аллоҳ таоло рўзани дўстларига кўргон ва тўсиқ қилди.”

— Исломи дини миллат ажратмаслиги билан эзгуликка хизмат қилади, — дейди пойтахтдаги Жўрабек жомеъ масжиди имом хатиби Наҳмиддин Хасанов. — Хусусан, Ҳаж зиёрати пайтида турли миллат вакиллари бир хил маслак, бир хил ният ва либосларда йиғиладилар. Рамазон ойида эса одамлар миллати, ирқи, тариқати, бой, фақирлигига мутлақо дахлсиз ҳолатда очлик билан нафсни синдиришга уринадилар. Бир ой мобайнида муборак кўргон ҳимоясида бўлишликнинг ботиний ва зоҳирий шартлари мавжуд. Аввало, муборак

бўлмаслиги муқаддас китобларда таъкидланган. — Беш нарса рўзадорнинг рўзасини очиб юборади, — дея таъкидлайдилар Жаноб Расулulloҳ (с.а.в.). — ёлгон, ғийбат, чақимчилик, ёлгон қасам ва шаҳват билан қараш”. Аксинча, тилни номмақул сўзлардан сақлаш, атрофдагиларга ҳиммат ва саховат кўрсатиш, улар билан тавозе ва лутф ила муомалада бўлиш рўзадорни безайдиган, унга Яратгандан бериладиган ажру муқофотларни оширадиган хусусиятлардир.

Баъзан шундай қутлуг кунларда ҷамоат жойларида бақир-чақир қилаётган, сўкиниб уришаётган одамларга кўзимиз тушади. Яна улар кўпчилик олдида рўзадорликларини пеш қиладилар. Бундай кимсалар ҳақида шундай ҳадис мавжуд: “Қанча рўзадор борки, рўзасидан унга фақатгина очлик ва чанқоқлик қолади”. “Албатта, рўза тўсиқдир, — дея марҳамат қилганлар Пайгамбаримиз



«МУБОРАКНЕФТГАЗ»

унитар шўъба корхонаси

жамоаси

Энг улуг ва энг азиз айём — Истиқлолимизнинг 17 йиллиги билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади.

Халқимизнинг дастурхони ҳамиша тўкин, иқболи ёруғ бўлсин.



Ҳиндистонда Бобур номи билан аталувчи қишлоқ

Хиндистон дарвозаси ҳисобланган Мумбайда бор-йўғи икки соат бўлди, холос. Шива жий номидаги аэропортдан пойтахт Деҳлига яна самолётда қайтдик. Маҳаллий Палам аэропортига келиб қўнганимизда соат 23 дан ошган эди. Бизни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг Ҳиндистондаги ваколатхонаси раҳбари Баҳодир ака Нурматов кутиб олди.

Аслида Мумбайга ҳам шу кишининг илтимоси билан таржимон сифатида ватандошларимиз Илҳом ва Асад исми бизнесменларга ҳамроҳ бўлиб бориб келгандим. Ўзимнинг асосий вазифам бошқа манзилга бориш бўлгани учун Баҳодир ака уйига таклиф қилса ҳам тезроқ Панипатга етиб олишни ўйлаб, улар билан хайрлашдим.

Таксига ўтириб манзилни айтдим: Панипат, Навал Синама. Қарийб бирор соат юриб ҳайдовчи онда-сонда машинани тўхтатиб мазкур кинотеатрни сўраса-да ҳеч ким айтиб беролмади. Охири ўзим машинадан тушиб йўл четига йўловчидан ҳиндчалаб сўрадим: Навал Синама, Панипатдаги энг машҳур кинотеатр? — Соҳиб сиз Сонипатдасиз, деди. Ҳайдовчи ҳам нотўғри эшитган экан. Яна йўлга тушдик. Панипатга етиб келганимизда соат тунги бирдан ошган эди. Кинотеатр шаҳар марказида бўлиб, роппа-роса 60 йил илгари Навал Кишор томонидан асос солинган, ҳозирги хўжайини Акаш унинг набираси бўлиб, у билан бир-икки йил илгари Тошкентда танишган эдик. Мана энди унинг ҳашаматли уйида ўтирибмиз.

Эртаси куни иккаламиз унинг машинасида Лудҳианага жўнадик. Илгарилари жуда нотекис бу йўл энди текисланган, ҳам икки томонга дарахтлар ўтказилган, жуда чиройли, аммо жуда тор. Ҳамроҳим завқ билан бу йўлни мактайтиди. У Шер Шоҳ Сурий деб номланади ва Покистоннинг Пешовар шаҳридан то Калкуттага давом этади. Панжоб худудида Шершоҳ Сурий жуда машҳур

ва ҳурмати баланд. Ахир, кимсан Ҳумоюндек буюк саркардан тахтни тортиб олган. Бу ҳақда илмий иш қилган ватандошимиз Эшбой Рўзиев. Шершоҳнинг айнан кўчалар қурдирганини ўз илмий ишида ёзганини эсладим. Лудҳианада ишларимиз



ни битказиш учун икки кун кетди. Яна Панипатга қайтдик. Акаш жий менга Бобурпур номи қишлоқ борлигини айтиб қолди. Ҳиндистон учун асосий ҳал қилувчи саккизта жанг бўлган. Бу жанглар натижасида сулола ва салтанатлар алмашган. Ана шу саккиз жангнинг учтаси айнан Панипат шаҳри ёнида бўлиб ўтган. 1526 йили Бобур Деҳли султони Иброҳим Лудҳий устидан ғалаба қозониб, ўз салтанатига асос солган. Тарихдан маълумки, 1540 йили Шершоҳ Сурий Ҳумоюндан тахтни тортиб олади ва сурийлар династиясининг ҳукмронлигини ўрнатади. Тақдирнинг киноясини қарангки, биринчи Панипат жангида Иброҳим Лудҳий томонидан бўлиб Бобурга қарши жанг қилган Шершоҳ ўша урушдан сўнг Бобур хизматига ўтган эди. Кейинчалик Биҳар томонларда ерларга эгалик қилди. Бобур вафотидан сўнг эса Чунор қалъасини эгаллаб Бобурийларга қарши бош кўтарган. Ҳумоюнон зудлик билан

Чунорни қамал қилади ва Шершоҳ таслим бўлади. Ҳумоюнон эса унинг жонини сақлаб қолган. Агар яна ўн йилдан сўнг айнан Шершоҳ уни Ҳиндистондан қувғин қилишни билганимкин ўшанда. Шундай қилган, Ҳумоюнон ҳам ҳинд, ҳам афғон ерларидан ҳайдалади. Эронда бир неча муддат бўлиб худди отаси каби ҳамма ишни бошидан бошлайди. Аввалида Кандаҳор ва Кобулни эгаллайди. Бу пайтда шимолий Ҳиндистонда учта ҳукмдор бор эди. Аграда Одилоҳ, Деҳлида Искандаршоҳ ва Панжобда Иброҳим Сурий ҳукмронлик қиларди. Ҳумоюнон Лахорни қўлга киритган, Сархинда Искандаршоҳни батамом мағлуб этди. Бу орада Одилоҳ эса Иброҳим Сурий устидан ғалаба қозонди. Шундай қилиб энди иккита қудратли ҳукмдор Одилоҳ ва Ҳумоюнон қолади. Аммо Ҳумоюнон 1556 йили ҳаёт билан видолашади. Улими олдидан у ёш ўғли Акбар ва қўмондонларга афғонларни бутунлай тор-мор этишни васият қилади. 1556 йили 5 ноябрь куни яна Панипат жанг майдонида орадан ўттиз йил ўтиб, яна Деҳли тахти учун ҳал қилувчи жанг бошланади. Бу гал ҳам Бобурийлар армияси шимолидан, Одилоҳ армияси жанубдан ҳаракат қилади. Бу сафар ҳам ғалаба Бобурийларга ёр бўлади. 1761 йили учинчи марта ҳал қилувчи жанг бўлади. Афғонистонда мустақил ҳокимият ўрнатган, Ахмадшоҳ Абдолий 1762-1767 йиллар ичида тўрт марта Ҳиндистонга ҳарбий юриш қилади. Аммо тузуқроқ натижага эришмайди, худди Бобур каби айнан Панипат жангида ғалаба қозониб маратхларни тор-мор этади.

Ҳозир бог барро этилган бу майдонда юқорида тилга олган учта урушга абаб Харияна штати тарихий ёдгорликларни сақлаш жамаияти томонидан ёдгорлик ўрнатилган. Инглиз ва ҳинд тилларида ёзилган мазкур ёдгорлик тўғрисида Камчибек Кенжанин "Ҳинд сорига" китобида ҳам баён этилган. Богнинг ичида учта сахна мавжуд ва улар ҳар бирининг четига ярим ой сингари девор ва унга бириктирилган махсус паннода учта уруш манзаралари акс

эттирилган. Чапдаги биринчи сахна деворида Бобур ва Иброҳим Лудҳий ўртасидаги жанг тасвири жуда маҳоратли чиққан. Айниқса, тасвирнинг учдан икки қисмини филлар ва кўп сонли лашкар билан Деҳли султони эгаллаган, унинг қўшинлари Бобуриқидан сон жиҳатдан кўп бўлганини ҳам ифодалайди. Чап қисмида эса оз жойни эгаллаган Бобур томонда тўплар алоҳида бўрттириб кўрсатилади. Улар айнан уруш тақдирини ҳал қилган. Қолган сахналар ва кираверишдаги панжарали эшик ўртасида яна битта ёдгорлик мавжуд. Гиштдан терилган пирамидасимон ёдгорлик ўрнида манго дарахти бўлган экан. Уша урушлар оқибатида оққан қонлар туфайли унинг мевалари қорайиб битган. Вақт камлиги туфайли богни тўла айлана олмадим. Яна вокзалга қайтдик. Жамму тезорар поездида ўтирганимда куёш бир терак бўйи кўтарилган эди. Аммо қалин туман туфайли куёш зўрға кўринарди. Панипатдаги илк жангги ўз кўзи билан кўрган муаррихлардан бирининг "... ўртадаги жанг туфайли кўтарилган чанг-тўзон ва отилган найзалар туфайли куёш кўринмай кетди", деган сатрлари ёдимга тушди.

Поезд эса шитоб билан Бобурпур анхори устидан ўтиб боради... Тошкентга қайтиб келгандан сўнг таниқли ҳиндшунос, Бобур халқаро илмий экспедицияси таржимони бўлган Аҳмад ака Қосимовга Бобурпур қишлоғи ҳақида гапирганимда, у "Ростдан ҳам шундай қишлоқ бор эканими? — деб ажабланиб сўради. — Бирор бир қишлоқ номи билдирувчи кўрсаткиччи кўрдингизми?" Афсус, шунисиға эътибор бермаган эканман, дедим.

Орадан олти ой ўтиб яна Ҳиндистонга бориш насиб этди. Деҳлида андижонлик Ҳусниддин исми йигит билан танишиб қолдик. Бу сафар атайлаб бориб, Бобурпур қишлоғидаги ўша кўрсаткиччи ҳам суратга олдик. Ҳатто Бобурпур номи поезд бекати ҳам мавжуд экан.

Ботирали ЙЎЛДОШЕВ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ "БУНЁДКОР" ДА УЙНАЙДИ



28 август куни "Бунёдкор" футбол клуби бразилиялик жаҳон футбол юлдузи, афсонавий уйинчи Ривалдо Витор Борба Феррейра билан шартнома имзолади.

Энди бир йил давомида жаҳон ва Европанинг 1999 йилдаги энг яхши футболчиси Ривалдо ўз маҳорати билан миллионлаб ўзбек ишқибозларини хушнуд қилдириб бўлди. "Мен бу ерга яхши футбол ўйини кўрсатиш учун келдим. Агар менинг ўйиним ва маҳоратим ўзбек футболнинг келгуси ривожини учун хизмат қилса, бундан гоёя хурсанд бўлардим", деб айтиб ўтган футболчи берган интервьюсида.

2002 йилда жаҳон чемпиони бўлган Ривалдо бугун эрталаб оиласи билан Тошкентга етиб келди.

ХИТОЙ 2022 ЙИЛГАЧА КУТАДИ

ФИФА президенти Зепп Блаттер Хитой давлати расмийлари Жаҳон чемпионатини қабул қилиш истагини билдирганини айтиб ўтди. "Мен уларнинг бу хоҳиши ҳақида шу йил апрель ойида хабар топган эдим", дея изоҳ беради жаҳон футбол президенти Германиянинг "Kicker" журналига берган интервьюсида. "Лекин улар ўзларининг икки футболчини йўлга қўйиб олишларига маълум вақт керак бўлади. Аммо Хитойда режа бўйича ишлашга ўрганиб қолишган. Футболда эса аниқ режа йўқ. Улар ҳаммасини бошидан бошлаши лозим. Хитойликлар Жаҳон чемпионатига мезбонлик қилишни хошлапти, лекин бу 2022 йилдан олдин рўй бермаслиги аниқ."

Эслайтиб ўтамиз, 2010 йилда Жаҳон чемпионати Жанубий Африка Республикасида ўтказилса, 2014 йилги Жаҳон чемпионати эса Бразилия мезбонлик қилади.

ЯНГИ МАВСУМГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Яқинда бутун дунё учун қизиқарли бўлган Европа чемпионолар лигасининг гуруҳ босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Қуръа натижалари қўра клублар қуйидаги гуруҳлардан жой олди: **А гуруҳи:** «Челси» (Англия), «Рома» (Италия), «Бордо» (Франция), ЧФР К (Руминия). **В гуруҳи:** «Интер» (Италия), «Вердер» (Германия), «Панатинаикос» (Греция), «Анортосис» (Кипр). **С гуруҳи:** «Барселона» (Испания), «Спортинг» (Португалия), «Базель» (Швейцария), «Шахтёр» (Украина). **Д гуруҳи:** «Ливерпуль» (Англия), ПСВ (Голландия), «Марсель» (Франция), «Атлетико» (Испания). **Е гуруҳи:** «Манчестер Юнайтед» (Англия), «Вильярреал» (Испания), «Селтик» (Шотландия), «Ольборг» (Дания). **Ғ гуруҳи:** «Лион» (Франция), «Бавария» (Германия), «Стяуа» (Руминия), «Фиорентина» (Италия). **Г гуруҳи:** «Арсенал» (Англия), «Порту» (Португалия), «Фенербахче» (Туркия), «Динамо» (Украина). **Н гуруҳи:** «Реал» (Испания), «Ювентус» (Италия), «Зенит» (Россия), БАТЭ (Белоруссия).



Маскаев яна рингда

Яна роппа-роса уч кундан кейин россиялик ўттиз тўққиз ёшли боксчи Олег Маскаев америкалик боксчи Роберт Хоукинсга қарши рингга чиқади. Мазкур учрашув спортчилар учун жиҳдий жангларга шунчаки тайёргарлик вазифасини ўтайди. Учрашув Москва вақти билан 22:00 да бошланади. Хабарингиз бор, россиялик чарм қўлқоп устаси охириги марта жорий йилнинг 8 мартида чемпионлик камарини химоя қилиш учун нигериялик Самуэл Питер билан мушлашиб мағлуб бўлганди.

ЧОРАК ФИНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ МАЪЛУМ

Катта шлем туркумига кирувчи US Ореп мусобақасининг чорак финалида италиялик теннисчи Флавия Пеннетта ва россиялик ракетка устаси Динара Сафиналар ҳақс олиб боради. Ҳар икки спортчи ҳам чорак финалга чиқиш учун анча маҳоратли рақиблар билан мусобақалашшига тўғри келди. Мусобақаларни давом эттириш учун италиялик теннисчи жаҳоннинг собик биринчи рақамли теннисчиси франциялик Амели Моресмо (6:3, 6:0) билан куч синашган бўлса, Динара Сафина германиялик Анна-Лена Гренефельд (7:5, 6:0)га қарши қорту чикди. Эслайтиб ўтамиз, US Ореп турнирининг жағмарга фонди 20 657 000 АҚШ долларини ташкил этади.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

РАССОМ ХАНДАСИ



Сенсан севарим хоҳ инон, хоҳ инонма...

Шавкат МУЗАФФАР чизган сурат.

КУНЛАРАН БИРИДА

Уйида ўтирмаган одам

Собир Термизий билан Рашидиддин қалин дўст эдилар. Улар кунда-кунора учрашиб ўртага сўхбат дастурхонини ёзишмаса кўнгиллари тўлмас эди. Узун ва зерикарли киш туналарининг бирида Рашидиддин уйига сизга келди. Дўстини йўқлаб, Собир Термизийнинг ҳовлисига борди.

Эшик зулфини бир-икки урди, ҳеч ким жавоб бермади. У қаттиқроқ тақиллатди. Товуш бўлавермагач, овозини кўтариб, иддао қилди: — Қанақа одам бу Собир Термизий деганлари?! Кишининг шу изгиринли тунида уйда ўтирса бўлмайди? Собир, қани, дўстим не қилар экан, деб эшик очмай

турган эди. Деразадан бошини чиқариб писанда қилди: — Мен-ку, ўз уйимда ўтириман. Бу Вотот деганлари қанақа одам экан-ки, изгиринли тунида уйда ўтирмай, бировларнинг эшигини уриб юрибди? Иккала дўст бараварига қулиб юбордилар. Саъдулла СИЁЕВ

ЯНГИ ҚЎШИҚЛАР

Эртанинг тонгидир бугунги ҳаёт...

Қўраман

Бугундан эртани ёрқин кўраман,
Бугундан эртани сокин кўраман.
Жилгага айланган сойлар ўрнида,
Уммондек тўлқинқор оқин кўраман.

Боғларда гулларнинг хандаси янгар,
Бу ханда етгуси кўкларга қадар.
Фароғат пурқайи димоғимизга,
Елларда таралган ифори анбар.

Эртанинг тонгидир бугунги ҳаёт,
Гарди йўқ орзулар қоқмишлар қанот.
Элини тутгуси елкаларида,
Биздан ҳам сарзид навқирон авлод.

Бугундан эртани юксак кўраман,
Ҳар танда ёнғувчи юрак кўраман.
Аҳли юрт ишида, заковатида,
Жумлан оламга ўрناق кўраман.

Қудрату голиблик бирликда

Қай миллат бирлиги бўлмаса агар,
Йироқдир унга эрк, йироқдир зафар,
Йироқдир кўкдаги юлдузлар қадар,
Йироқдир ер узра башарий назар.
Қудрату голиблик бирликда ҳар дам.

Жилгалар бирлашиб бўлишлар дарё,
Тарқоқлар ёр бўлмас омадга асло.
Кимда бор виқор кимда бор ҳаё,
Қудрату голиблик бирликда ҳар дам.

Бириккан миллатга йўлламай ёв,
Йўлга ҳар бир жон бандан тоғдек гов,
Ҳар бир жон эшивор, билмағай аёв,
Қочар ёв қочандек шердан сала гов.
Қудрату голиблик бирликда ҳар дам.

Миллат гар узаро бўлмаси иноқ,
Соғалмас ёв эшивор узаро ниғоқ.
Олга бос, миллатим, жанговар сиёқ,
Олга бос, ёв қуйсин, дўст олин мароқ!
Қудрату голиблик бирликда ҳар дам.



Ямин ҚУРБОН

HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари Иккуний уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Иштекс: яқна обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурашул ЖУМАКУЛ
Тахрир хайъати: Хуршид ДЎСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тулан НИЗОМ, Абдуқоҳхор ИБРОҲИМОВ, Ҳосин КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шераод ҒУЛОМОВ
Тахририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: 236-23-13, 236-53-31, 236-56-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02
ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:
Бухорода — 8-365-715-30-57
Самарқандда — 8-366-233-62-12
Сурхондарёда — 8-376-335-10-22
Тошкентда — 8-370-76-21-934
Фарғонада — 8-373-225-80-58
Хоразмда — 8-362-226-20-80
Қашқадарёда — 8-375-221-78-50

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.20
® — тижорат белгиси.
Адади: 5117 Буюртма — Ғ-854 12345 78